

## МЕДИА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТАЪСИРИДА – ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ, БОШҚАРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Таникулов Жанибек Аширкулович**

*Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали, Ижтимоий  
вагуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада жамоатчилик фикри феноменига медиа ахборот воситаларининг таъсир этиш омиллари куриб чиқилиб, уни бошқариш психологияси – ташкиллаштириш ва назорат қилиш механизмлари кесимида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** медиа ахборот воситалари, жамоатчилик фикри, уни ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш механизмлар.

Жамият ҳаётида жамоатчилик фикри қандай эҳтиёж, мақсад, манфаат йўлида шаклланишидан қатъий назар, намоён бўлиш даражаларига кўра ташкиллаштирилади, бошқарилади ва назорат қилинади. Бу унинг асосий қонуниятидир[1].

XX асрнинг иккинчи ярми, XXI аср бошларидан эътиборан медиа ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантирувчи асосий мезонга айланиб улгурди. Унинг таъсир кўлами ҳам, ташкилотчилик механизмлари ҳам инсон омили устидан тўлиқ ҳукмронликни ўз кўлига олди дейиш мумкин. Масалан, медиа ахборот етказувчи воситалар бўлмиш: газета, радио, телевидение, интернет кабиларнинг барчасида вазифавий умумийлик битта, яъни жамоатчилик фикрини ташкиллаштириш, бошқариш ва унинг назоратини ушлаб туриш методологиясига таянади.

Бундан ташқари, жамоатчилик фикрини бошқариш механизмлари ўртасидаги функционал-интеграциялашувни аниқлашда «медиаляшув» принципи ўзига хос аҳамият касб этади. Хусусан, жамиятдаги ижтимоий жараёнларни медиа воситалар таъсирида ривожланиш тенденцияларини корреляцион боғлиқлик даражасини ижтимоий фалсафа категориялар (умумийлик ва хусусийлик) асосида очиб бериши мумкин[2].

Бунинг учун жамоатчилик фикрини бошқаришнинг умумий (универсал) тамойилларига амал қилиш талаб этилади. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, жамиятдаги универсал ривожланишнинг субъекти бўлган жамоатчилик фикрини, инсон омилида мавжуд бўлган: руҳий-эмоционал кучдан, яъни ташқи медиа ахборот таъсир имкониятларидан ҳимоя қилиш, муаммога ўзига хос ёндашувни кўрсатади. Жумладан, медиа ахборот шакли – «кўмакчи-воситачи», «усулчи-воситачи» услубида иштирок этиб, медиа

ахборот воситалари ва жамоатчилик фикри ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солиб туради.

Иккинчидан, жамият ўз ўзини ташкиллаштирувчи мураккаб механизм сифатида намоён бўлсада, уни бошқарувчи субъектив омил жамоатчилик фикри ҳисобланади. Демак, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимини медиа ахборот воситалари бошқармоқда деб қарасак, конкретлашган ижтимоий уюшмада жамоатчилик фикрининг ўрнига аниқлик киритилади.

Учинчидан, медиа ахборот шаклларига ижтимоий бирликлар фаолиятини бошқариш объекти ва субъекти тарзида қаралса, жамоатчилик фикрини комплекс-системали таҳлил қилиш жараёнида уларнинг функционал-интеграциялашув нуқтаси конкретлашади[3].

Тўртинчидан, бугунги шиддат билан кескинлашиб, қарама-қаршиликлар авж олиб бораётган глобаллашув даврида, жамоатчилик фикрини медиа ахборотнинг таъсир контекстида бошқариш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий муносабатларнинг интегратив характериға боғлиқ бўлиб[4], институционал тизимини ташкил қилган миллий ва минтақавий элементлар, функционал жиҳатдан дифференциаллашиб, унинг самарадорлигини белгилайдиган омил бўлиб қолмоқда.

Бешинчидан, жамоатчилик фикрини бошқариш тизими, тарихий даврда “сайқаллашиб”, умуминсоний ривожланишининг барқарор шарти сифатида, турли миллатлар ва давлатларнинг амалий тажрибаларида, назарий билимларида, маънавий қадриятлари ва аждод-авлодларидан мерос бўлиб келаётган символларни трансформация қилиш механизмларини яратиш, медиа ахборот воситаларининг ҳар бир шаклида қарор топиб, ижтимоий тараққиётнинг ворисийлигига ва узвийлигини таъминлайдиган комплекс-системанинг характериға бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда[5]. Хусусан, жамоатчилик фикри қарашларини, тизимли функционаллашувида, муайян даражадаги қарорларини қабул қилинишида, маълум қонун ишлаб чиқарилиш жараёнида, давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳуқуқий тенгликка риоя қилинишида, эркинликни рўёбга чиқиши медиа таъсирдан қочиб бўлмасликни ҳаётни ўзи исботламоқда.

Тадқиқот жараёнида олинган илмий-назарий натижалар:

– жамоатчилик фикри бошқарувига жараён сифатида ёндашиш, объектив ва субъектив қарашларда (ўзаро корреляцион таъсирда) мураккаб динамик хусусиятларни юзага келтиради;

– ижтимоий бошқарувда ўзаро боғлиқ функцияларни бажариш, узлуксиз жараёни, яъни бошқарув тадрижийлигини таъминлайди;

– жамоат бошқаруви асосан: режалаштириш, ташкил этиш, топшириқлар бериш (маъмурий бошқарув), мотивлаштириш, раҳбарлик, координация, назорат, тадқиқотлар, коммуникация, баҳолаш, қарор қабул қилиш, персонал танлаш, музокаралар олиб бориш ва ваколат бериш каби йўналишларда олиб борилади.

Тадқиқотдан олинган хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Жамоатчилик фикри динамик жараён сифатида босқичма-босқич шаклланади. Жамоатчилик фикрини шакллантирувчи асосий элементларга: эҳтиёжлар, қарашлар, мотивациялар, турли медиа ахборот воситалар орқали ҳаракатга келтириш ҳамда тарғибот қилиниш натижасида деформацияга учратиш эвазига, уни ташкиллаштириш, бошқариш ёки назорат қилиш имкониятини яратиш мумкин.

2. Инсониятни янги даврга ўтиши – техника ва технологиялар билан бевосита боғлиқ ҳолда яшашини кўрсатиб берган бўлсада, узоқ йиллардан буён жамоатчилик фикрини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ёки назорат қилувчи бўлиб келаётган газета ва журналлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, дунёдаги ижтимоий тараққиёт бир текисда ривожланмаган.

3. Жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш учун глобал “кибер қўшин” бошқарувчиси ҳисобланган интернет орқали, чексиз аудиторияни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш мумкин. Барча медиа ахборот воситалари интернет тизимидан куч олган ҳолда ҳаракат қилади. Шу боис бу тизимни “медиа ахборот манипулятори” дейиш тўғри бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Яздонов, У. Т., & Бабажанов, С. Б. (2021). Иқтисодиётда рақамли технологияларни жорий этиш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурати. *Development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 147.

2. Язданов, У. Т. (2015). GLOBAL PROBLEMS: HISTORICAL FORECASTING AND NECESSITY OF DEVELOPING OF THE PUBLIC OPINION. *Theoretical & Applied Science*, (9), 76-82.

3. Ulug'Bek Toshmurotovich Yazdonov QISHLOQ XO'JALIGI TA'LIM YO'NALISHLARIDA O'TILADIGAN IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLAR (MUAMMO VA YECHIMLAR) // *Pedagogik fanlar bo'yicha akademik tadqiqotlar*. 2022. №Konferentsiya. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/qishloq-xo-iqtisodiyot-ta-lim-yo-nalishlarida-o-tiladigan-ijtimoiy-gumanitar-fanlar-muammo-va-yechimlar> (ma'lumotlar: 15.12.2022).

4. Yazdonov, U. T., & Tanikulov, J. A. (2021). PUBLIC OPINION FORMATION MEANS (ON THE EXAMPLE OF MEDIA INFORMATION). *湖南大学学报 (自然科学版)*, 48(12).

5. Tashmurotovich, Y. U., & Ashirkulovich, T. J. (2020, November). PHILOSOPHICAL SCIENCES. In *The 5 th International scientific and practical conference—Actual trends of modern scientific research* (November 8-10, 2020) MDPC Publishing, Munich, Germany. 2020. 577 p. (p. 431).